ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

ШАРҚ РОМАНТИЗМИНИНГ ЭСТЕТИКАСИ: ТАДРИЖИЙ ТАҲЛИЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ИЕРАРХИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

УЎК:101.8:164.3:17.022.1:18

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферининг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна
Шарқ романтизмининг эстетикаси: тадрижий таҳлил ва замонавий ёндашувлар иерархиясининг фалсафий асослари 3

Уракова Ойсулув Жамолиддиновна
Эстетика Восточного романтизма: философские основы иерархии эволюционного анализа и современные подходы 33

Urokova Oysuluv Jamoliddinovna
Aesthetics of Eastern Romanticism: Philosophical Foundations of the Hierarchy of Evolutionary Analysis and Modern Approaches 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 70

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

ШАРҚ РОМАНТИЗМИНИНГ ЭСТЕТИКАСИ: ТАДРИЖИЙ ТАҲЛИЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ИЕРАРХИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3DSc/Fa167 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Махмудова Гули Тилабовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонетлар: **Самадов Актамкул Рафикович**
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Акилова Камола Балтабоевна
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Қаҳҳорова Матлюба Манофовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ф.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел. (0366) 239-13-87; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz). Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Тарих факультети 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№97 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел (0366) 239-13-87; факс: (8366) 239-11- 40)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____»_____ тарқатилди
(2022 йил «_____»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент;

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳонда кечаётган инсон ҳаётининг мураккаб жумбоқлари билан тўлиб-тошган, унинг борлиғининг инқирози ҳаёт фалсафасининг муаммоларини муҳаббат, ҳаёт, гўзаллик, улуғворлик ва пасткашлик, комронлик ва ғирромлик, ғараз ва ғазаб аломатларига эътибор қаратиш абадий фалсафий қадрият сифатида намоён бўлмоқда. Романтизмнинг аксиологик моҳияти - ҳаёт ҳамда одамлар руҳи, дилида кечаётган, рўй бераётган ўзгаришларни ҳаётий воқелар силсиласи тарзида ҳаётбахш бадиий-эстетик жиҳатдан акс эттирмоқда. У бадиий ҳамда методологик ғоя ва йўналиш сифатида турли халқларнинг ижтимоий-маданий тараққиётига ҳамда бадиий анъаналарини такомиллаштиришга хизмат қилувчи ифода услуби эканлиги муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда эстетиканинг ривожланиш услуби ва эстетик тамойиллари мураккаб ҳодиса сифатида тадқиқ этилмоқда. Жумладан, эстетик тадқиқотлар доирасига нафақат ижодкор, бадиий асар ва респиент, ижод жараёнлари, бадиий маданиятининг характерли тенденциялари ва қонуниятлари ривожланишини белгилайдиган жамиятнинг эстетик эҳтиёжлари ташкил қилмоқда. Ушбу жараён ифода воситаларини бадиий умумлаштиришнинг янги замонавий усулларини интенсив излаш ва оламнинг бадиий билишни кенгайтириш билан тавсифланмоқда. Дунёни эстетик англашнинг бадиий-экспрессив воситалари, худди романтика сингари, баъзан бир вақтнинг ўзида бошқа усулларга ҳам хизмат қилганлигини илмий-назарий тадқиқ этиш бугун жаҳон миқёсида заруратга айланмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлаш тамойили амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди. «Аҳолига буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш, маданият ва санъат соҳаларини ҳамда миллий кино санъатини ривожлантириш»[1] вазифалари қўйилмоқда**.** Бу йўлда маънавий ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш шароитида Ўзбекистонда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган маънавий-эстетик маданиятни янада ривожлантиришга доир тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 26 майдаги ПФ–6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги

[1] «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 йил 28 январь, ПФ–60-сон. (Lex.uz).

ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, 2019 йил 3 майдаги ПҚ–4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ–4688-сон «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий – маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1]. Романтизмнинг методологияси ҳамда санъатда намоён бўлиши шакллари, хусусан, Шарқ эстетик тафаккур тараққиётида романтизмнинг ифодаланишини аниқлашга доир жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида, жумладан, Leiden University Centre for the Study of Islam and Society (Нидерландия), The Aesthetics Research Centre at the University of Kent (Буюк Британия); The Center for Scientific Studies in the Arts at the Northwestern University (Чикаго, АҚШ); Aesthetic Research Centre of Canada, The University of British Columbia (Ванкувер, Канада); The Modern Aesthetic Education Research Center (Пекин, Хитой) Comenius University Bratislava (Братислава, Словакия); Кубанский давлат университети, Қозон давлат университети (Россия) кабиларда олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда романтизмнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда Шарқ эстетик тафаккур тараққиётининг тарихи ва санъатда романтизмнинг ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлишини аниқлаш муаммосига оид куйидаги илмий натижалар олинган: визуал маданият айрим жанрларининг супер қаҳрамон комиксларидан тортиб модернистик расмгача бўлган тадрижий ривожланиш йўли асослаб берилган (Leiden University Centre for the Study of Islam and Society, (Нидерландия); тасвирий санъат шаклларига (жумладан, сурат, фотография ва кинода тасаввур ва тасвирлаш кўринишлари), ахлоқ ва эстетика ўртасидаги алоқалар, гўзаллик, дид, улуғворлик, санъат ва фан ўртасидаги ўзаро боғлиқликка оид илмий ва методик материаллар ишлаб чиқилган (The Aesthetics Research Centre at the University of Kent, Буюк Британия); компьютер визуализацияси орқали тасвирий санъат асарлари қаҳрамонларининг бўртма ифодаланишини илмий жиҳатдан изоҳлаб бериш орқали Қўшма Штатлар ва хориждаги санъат асарларининг асл қийматини

[1] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи https://www-universiteitleiden-nl; http://aesthetics-research.org; https://scienceforart.northwestern.edu; https://www.grad.ubc.ca; http://www.as.ad.tsinghua.edu.cn/en/platform/modern-aesthetic-education-research-center-tasa; https://fphil.uniba.sk/en/; https://www.kubsu.ru; https://kpfu.ru/ ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

аниқлаш ва шу орқали уларни муҳофаза қилиш кўламини кенгайтиришнинг илмий асослари яратилган (The Center for Scientific Studies in the Arts at the Northwestern University, АҚШ); адабиёт, кино, маданият ва оммавий ахборот воситаларида тасвирланган романтизмга оид асарларнинг эстетик ва тарихий жиҳатларини аниқлаш бўйича турли танқидий усул ва назарияларни қўллаш кўникмалари такомиллаштирилган (The University of British Columbia, Канада); Шарқ эстетикасидаги ижтимоий комилликка интилиш концепциясини миллий таълимга татбиқ этиш орқали миллий ўсиш учун сифатли таълим ва эстетик тарбиянинг кўп қиррали тизимини ривожлаништиришнинг инновацион моделини яратиш асослари ишлаб чиқилган (The Modern Aesthetic Education Research Center, Хитой); ёшларда бадиий асар ёки «бадиий бўлмаган» эстетика соҳасидаги артефакт ва ҳодисаларни мустақил ижодий талқин қилиш кўникмаларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг эстетик қобилияти ҳамда дидини ривожлантириш учун йўналтиришга оид илмий ва методик материаллар яратилган (Comenius University Bratislava, Словакия); XVIII–XIX асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари Россияда романтик рангтасвирнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, тасвирий санъатнинг жанр тизимида ушбу йўналиш эволюциясининг ўзига хос жиҳатлари бўйича таълим дастурлари яратилган ҳамда уларнинг мазмуни такомиллаштирилган (Кубань давлат университети, Россия); XX–XXI аср Ғарб санъатининг хусусиятлари ва муаммоларини таҳлил қилиш, ҳаёт тарзи, тафаккур услуби ҳамда дунёни бадиий ва хаёлий идрок этиш услуби ўртасидаги муносабатни очиб беришнинг психологик-педагогик асослари ишлаб чиқилган (Қозон давлат университети, Россия).

Дунёда романтизмнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда Шарқ эстетик тафаккур тараққиётининг тарихи ва санъатда романтизмнинг намоён бўлишига доир, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: романтизмнинг хусусиятлари ва генезисини очиб беришга оид; Шарқ романтизмининг фалсафий – эстетик асосларини тадқиқ этишга доир; романтизмнинг умумий жиҳатларини санъат ва дин, ислом тасаввуфи орқали очиб бериш; Шарқ романтизми санъатида бадиий умумлаштириш стуктурасини эпик –лирик тарзда идрок этишга доир; инсон шахсининг ўзига хослиги, инсоннинг табиат билан уйғунлигига оид; инсон қалби фалсафаси акс эттирилаётган мотивларни идеаллаштириш каби муаммоларни ўрганишдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина олимларнинг фикрича, романтизм бадиий метод сифатида XVIII асрда ва XIX аср бошларида шаклланган. «Романтизм» тушунчасидан ўша давр шеъриятида немис адабиётшунослари ака-ука Шлегеллар[1] (А.Шлегель ва Ф.Шлегель) томонидан кенг фойдаланилган, Генрих Гейне романтизм муаммосини ўз

[1] Шлегель Ф. Эстетика, философия, критика. В 2-х томах. Том 1. – М.: Искусство, 1983. –С 479. Авторефератда исми шарифлари келтириб ўтилган бу ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган..

замони санъатининг вазифаси билан боғлаган. Немис романтизми вакилларидан бири Новалис романтик эстетиканинг имкониятларини кенгайтирган. Ф.Шлегель – индивидуализм ва ижод эркинлигини, Г. Гейне – универсализмни, Новалис – табиатдан илҳомланиш ва замонавий воқеликдан воз кечишни, Шеллинг эса чексизлик ҳамда англанганлик ва англанмаганликнинг яхлитлигини кўрсатган. Гарчи бу олимларнинг фикрлари турлича бўлса-да, кейинчалик Англия ва Франция романтизмига, жумладан Европанинг эстетик тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Инглиз романтизми методологиясига шоир Блейк, Вордсворт, Кольриж, Байрон, Шелли, В.Скотт ва бошқалар томонидан асос солинган.

И.И.Замотин – XIX асрнинг 20-йилларидаги рус адабиёти романтизмининг тадқиқотларига, француз романтик шеъриятини тадқиқ этган Де Ла-Барт ва А. Климентов эса романтизмнинг XIX аср бошларида немис, инглиз, француз ва рус санъатида у ёки бу шаклда намоён бўлган муҳим хусусиятларига эътибор қаратганлар.

Жумладан, рус олимларидан В.В.Бартольд, В.Г.Белинский, Е.Э.Бертельс, А.Н.Болдирев, В.Ванслов, И.Ф.Волков, А.А.Гаджиев, С.Н.Григорян, М.Дьяконов, К.Г.Залеман, А.Кримский, В.Г.Луконин, Л.Тимофеев, В.Чепелев ва А.Ю.Якубовский[1] романтизм ва реализмни бадиий ижод турлари сифатида тадқиқ этиб, уларнинг муаммоларини қиёсий таҳлил қилганлар.

Мамлакатимизда романтизм эстетиканинг алоҳида услуби сифатида ўрганилмаган бўлса-да, лекин муаммо қисман умумметодологик тизимда кўриб чиқилган. Шу маънода, романтизм санъат назарияси ва тарихи, адабиёт, тарих, археология соҳаларининг таниқли вакилларидан бўлган Т.Махмудов, О.Бозоров, Х.Болтабоев, Э.Гюль, В.Захидов, Л.А.Исломова, Ҳ.Караматов, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Э.Рустамов, Р.Шодиев, А.Ҳакимов[2] каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертацияда мавзуга оид кўплаб илмий асарлар муаллифларининг умумметодологик аҳамиятга эга ишларидан унумли фойдаланилган. Шарқ романтизми эстетикасига оид махсус тадқиқот ўтказилмагани боис диссертация фанлараро методология асосида шакллантирилган бўлиб, унда Шарқ романтизмининг тадрижий таҳлили ва иерархияси орқали ҳозирги романтизмнинг ривожланиш тамойиллари ёритилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ ПЗ-20170928696

---

[1] Ванслов В.В. Изобразительное искусство и проблемы эстетики. – Л.: Художник РСФСР, 1975. – С. 227 . Чепелев В. Искусство советского Узбекистана. – Ленинград: Изд-во Ленинградского областного союза советских художников, 1935. – С. 97. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т. 3. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 527 . Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

[2] Караматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2008. – Б.40. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

«Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-методологияси» мавзусидаги (2018–2020 йй) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шарқ романтизмининг хусусиятлари, генезиси ва эволюцияси фалсафий компаративистика орқали Шарқ эстетик тафаккури тараққиёти, тарихи ва санъатида романтизм хусусиятлари қай тарзда намоён бўлишини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«романтизм» тушунчасининг моҳияти, хусусиятлари ва генезисини аниқлаш, эстетиканинг методологиясини тизимлаштириш ва асослаш;

немис ва инглиз классик романтизмининг фалсафий компаративистикасини таҳлил қилиш орқали унинг эстетик хусусиятларини кўрсатиш;

Шарқ романтизмининг фалсафий-эстетик асосларини дунёқараш муаммоси ҳамда унинг ижтимоий ва мафкуравий негизларини тадқиқ этиш орқали асослаш;

Шарқ романтизми санъатида бадиий умумлаштириш тузилмасини эпик-лирик ҳикоянавислик, дунёни эртакнамо-фантастик тарзда идрок этиш, вазият ва шахснинг ўзига хослиги, унинг табиат билан уйғунлиги, инсон қалби фалсафаси, акс эттирилаётган мотивларни идеаллаштириш орқали ёритиш;

ижтимоий комилликка интилиш концепцияси негизида романтизм моҳиятининг алоҳида ва умумий жиҳатларини шарқона санъат ва дин, ислом тасаввуфи орқали очиб бериш;

бугунги ўзбек санъати бадиий усулларининг анъанавийлиги ва қонунийлиги, образли тафаккурнинг декоратив омиллари, бадиий тафаккурнинг метафорага бой услуби ва ассоциатив аллегория, образларнинг рамзийлиги, композиция техникасининг аниқ-лўнда ва нафислиги, лирик илоҳийлаштириш ва услубнинг уйғунлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида романтизм эстетикаси белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Шарқ романтизмининг фалсафий-эстетик асослари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ретроспектив, тизимли, қиёсий-типологик таҳлил, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

романтизмнинг асосий белгиси ижодкорнинг воқеликка мушоҳадали муносабати орқали ҳиссий юксакликда намоён бўлганлиги ва ижтимоий-фалсафий тафаккурига қараб ривожланиб борганлиги исботланган;

Шарқ эстетик романтизми Ғарб романтизмидан қадимийроқ генезисга эга эканлиги, исломгача бўлган давр моддий ва маънавий қадриятлари (зардуштийлик, монийлик, маздакизм кабилар) мисолида персонажлар, ғоялар ва дунёқарашларнинг антитетик техникаси тақдимот образини

кучайтириш ёки инсониятнинг мураккаб кечинмаларини очиб бериш учун қўлланилгани фалсафий далилланган;

Шарқ романтизмининг дунёқараш муаммосини ва унинг ижтимоий-фалсафий негизларини ҳаёт оқимидан, инсон ва жамият муаммоларидан, ижодкор хаёлоти ва қалбидан излаш зарурлиги, у адабиёт, санъат, дин, фалсафа ва эстетик тафаккурнинг жумбоқли ва мураккаб захираларида ўрин эгаллаган чуқур фалсафий тафаккур сифатида ўзида барча эстетик мезонларни жамлаган фаол жараён эканлиги очиб берилган;

XX аср тасвирий санъатининг фалсафий-романтик йўналишдаги эркинлик, ғайриоддий шаклдаги сентименталь ҳиссиёт, ҳаётдаги дўстлик ва мухаббат ғояларида ҳиссий мушоҳадага асосланиш, хаёлот образлари билан қизиқиш, омолни воқеликдан эмас, балки ўтмишдан қидирилганлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

романтизм фалсафада пантеистик дунёқараш, социологияда инсоният жамияти ҳақидаги утопик таълимот, санъатда маънавий шахснинг фаол яратувчанлигига асосланган воқеликни бадиий ўзлаштириш методологияси шаклида намоён бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси давлат музейлари фондларини Шарқ санъатига оид янги маълумотлар билан бойитишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган;

Шарқ романтизми маънавий, адабий, сиёсий, диний-фалсафий кўринишда бўлишидан қатъий назар, халқларнинг тарихий тақдирини намоён этувчи ижтимоий тарихий тараққиётининг ифодаси бўлганлигига оид таклиф ва тавсиялар ёшларни жамиятда эстетик маданият, санъатга муҳаббат каби эстетик мезонлар ва миллий умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

XX аср мамлакатимиз эстетика илмининг санъат ривожидаги ўрни ва услубияти «романтизм» моҳияти ҳақиқатни эстетик англашнинг анъанавий шаклланиб келган бадиий ижод тури эканлигига оид таклиф-тавсиялар бугунги жамиятимизда янги дунёқараш ва замонавий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ назарий ёндашувларни такомиллаштиришга амалий аҳамият касб этган;

Шарқ романтизм эстетикасининг янги илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида тадрижий таҳлил қилингани унинг генезисига оид илмий хулосалар чиқаришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муҳокама қилинаётган муаммо фанлараро методологик услубга асосланганлиги, мавзунинг аниқ қўйилганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари, Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатига кирган ҳамда хорижда чиқадиган илмий журналларда эълон қилинганлиги, илмий таҳлил натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ваколатли ижтимоий тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ғарб ва Шарқ романтизми алоҳида эстетик методология сифатида илмий муомалага киритилганлигида, Шарқ романтизми эстетик тафаккурни шакллантириш жараёнларини «Фалсафа тарихи», «Эстетика», «Этика» фанлари мазмунининг назарий - услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги назарий умумлашма ва хулосалардан «Фалсафа», «Фалсафа тарихи», «Эстетика», «Этика», «Санъатшунослик», «Педагогика», «Диншунослик», «Инсон фалсафаси», «Тасаввуф асослари» ва «Маданиятшунослик» каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалари, маърузалар курслари яратишда, эстетика, адабиётшунослик ва фалсафа бўйича тузилган луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шарқ романтизми эстетикаси ҳамда унинг тадрижий таҳлили ва иерархияси орқали замонавий ёндашувларнинг фалсафий асосларини тадқиқ этиш бўйича эришилган илмий натижалар асосида:

Шарқ романтизмининг дунёқараш муаммосини ва унинг ижтимоий-фалсафий негизларини ҳаёт оқимидан, инсон ва жамият муаммоларидан, ижодкор хаёлоти ва қалбидан излаш зарурлиги, у адабиёт, санъат, дин, фалсафа ва эстетик тафаккурнинг жумбоқли ва мураккаб захираларида ўрин эгаллаган чуқур фалсафий тафаккур сифатида ўзида барча эстетик мезонларни жамлаган фаол жараён эканлигига оид таклиф ва тавсияларидан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейидаги экспозициялар бўлимларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 1 мартдаги 01-12-05-783-сон маълумотномаси). Натижада музей экспоцияларини бойитишга, шунингдек ёшларни жамиятда эстетик маданият, санъатга муҳаббат каби эстетик мезонлар ва миллий умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

XX аср тасвирий санъатининг фалсафий-романтик йўналишдаги эркинлик, ғайриоддий шаклдаги сентименталь ҳиссиёт, ҳаётдаги дўстлик ва мухаббат ғояларида ҳиссий мушоҳадага асосланиш, хаёлот образлари билан қизиқиш, омолни воқеликдан эмас, балки ўтмишдан қидирилганлиги фалсафий жиҳатдан асосланганлигига оид таклиф-тавсияларидан республика маънавият ва маърифат марказининг «Ўзбекистон фалсафаси тарихининг III жилдини нашр этиш» мавзусидаги лойиҳа ижросини таъминлашда ва Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури III йўналишига оид Миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, аждодларга муносиб қилиб тарбиялашда адабиёт, санъат намуналаридан кенг

фойдаланиш чора-тадбирларининг 19-банди – «Буюк алломаларимизнинг машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи мобиль илова яратиш ва ишга тушириш» лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 23 февралдаги 22-сон маълумотномаси). Натижада эзгу ғояларнинг мазмун-моҳияти бугунги жамиятимизда янги дунёқараш ва замонавий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ назарий ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

фалсафада романтизм бу пантеистик дунёқараш; романтизм социологияда одамзод жамияти хақидаги утопик таълимот; романтизм санъатда маънавий шахснинг фаол-яратувчанлигига асосланган, хақиқатни бадиий ўзлаштиришдаги маълум бир методология эканлигига оид илмий-назарий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги ОТ-Ф1-95 рақамли лойиҳа доирасида тайёрланган «Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари» мавзусидаги (2017-2020 йилларда бажарилган) фундаментал лойиҳа ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 3 декабрдаги 04/11-7894-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг маънавий дунёқараши юксалишига, замонавий санъат парадигмасини англашига, фалсафий мушоҳадаси кенгайишига хизмат қилган;

Шарқ эстетик романтизми Ғарб романтизмидан қадимийроқ генезисга эга эканлиги, исломгача бўлган давр моддий ва маънавий қадриятлари (зардуштийлик, монийлик, маздакизм кабилар) мисолида персонажлар, ғоялар ва дунёқарашларнинг антитетик техникаси тақдимот образини кучайтириш ёки инсониятнинг мураккаб кечинмаларини очиб бериш учун қўлланилганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг «Кун мавзуси» телекўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 19 январдаги 18-21/16-сон маълумотномаси). Бу эса Шарқ алломаларининг фалсафий-эстетик таълимотлари оммалашувига, томошабинлар ва ёшларнинг фалсафий дунёқарашини кенгайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро миқёсдаги ва 5 та республика даражасидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан 1 та монография ва 22 та бошқа турдаги илмий иш эълон қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, республика ҳамда халқаро базалар рўйхатига кирган хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 235 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари белгиланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Романтизм моҳиятининг назарий-методологик асослари ҳамда эстетикасининг концептуал фалсафий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида оламни романтик англашнинг ўзига хослиги, моҳияти ва хусусиятлари, Ғарб (немис, инглиз ва француз) мумтоз романтизми мактабларининг фалсафий компаративистикаси, Шарқ романтизмида дунёқараш муаммоси ҳамда унинг ижтимоий ва мафкуравий негизлари қиёсий ўрганилиб, илмий асосланган.

Ушбу бобнинг «**Оламни романтик англашнинг ўзига хослиги, моҳияти ва хусусиятлари»** деб номланган биринчи параграфида «романтизм» тушунчасига ўта бежамдорлик ва фикрлар қарама-қаршилиги хослиги ёритилган. Баъзи олимлар романтизмда субъективизм, қизғин эҳтирос, эмоционал тажанглик, интуитивлик, индивидуализмни, шунингдек, ақлдан кўра ҳиссиётларнинг устунлигини, пессимизм ва ўз ички оламига берилиб кетишни асосий хусусиятлар сифатида таърифласалар, бошқалари романтизмнинг ўзига хослигини ўтмишни идеаллаштиришда, идеалга интилишда, юракнинг эркинлик томон шиддатли интилишида, фантазиянинг куч билан осмон узра учишида, табиатнинг пантеистик илоҳийлаштирилишида, келажак ҳақидаги орзуларда, шарққа, фольклор анъаналарига ва шу кабиларга қизиқишда кўрадилар.

Деярли барча олимлар бадиий умумлаштиришдаги романтизм методида гиперболалик, хаёлотга берилиш, идеаллаштириш, аллегория, тимсолга интилиш, шартлилик, максимализм, ўзига хослик, қаҳрамонларнинг буюклиги, мумтоз анъаналардан воз кечиш, тасвирлаш воситаларининг бой ва ранг-баранглигини таъкидлайдилар.

Бу белгиларнинг бари ҳақиқатан ҳам романтизмга хосдир. Лекин, бир нечта аломатга таяниб, романтизмга таъриф бериб бўлмайди. Муҳими – романтизм белгиларининг тизими ва тузилишини яққол, аниқ кўра билиш. Ана шуларга асосланиб, романтизмга аниқ таъриф бериш мумкин.

Бизнинг фикримизча, романтизм – инсониятнинг чексиз маънавий туб моҳиятини ифодалашга интиладиган «Мен»ининг бепоён кенглиги, воқеликни идрок этишда идеаллаштирилган яратувчанлик устун келадиган

бадиий билишнинг маълум бир тури ҳамда ҳаётни идеал идрок этишга асосланган ижод услубидир.

Романтизм – табиат, жамият ва шахсни ўзгача ифодалаш услуби. Санъат фақат юқори табақа вакилларининг ҳаётини ифодалаш билан чекланмайди, унда бутун жамиятнинг маънавий ҳаёти ўз ифодасини топади. Санъат – образлар орқали фикрлаш демакдир. Ҳақиқатан ҳам, санъатда инсоннинг реал ва идеал онги бирга кечади. У марказидан ҳар хил «ип»лар (реализм, романтизм, классицизм, импрессионизм, символизм, абстракционизм ва ҳ. к.) тарқалган айланага ўхшайди. Лекин, бу йўналишлардаги фарқ шундаки, романтизм ва реализм пружина мисоли марказдан қочиб, сўнг яна марказга қайтади, символизм ва абстракционизм кабилар эса узоқлашгани сайин аста-секин узила боради, уларда аввалги жойига қайтиш имкони йўқ.

«Ғарб (немис, инглиз ва француз) мумтоз романтизми мактабларининг фалсафий компаративистикаси» деб номланувчи иккинчи параграфда «романтизм» тушунчаси кўриб чиқилган. Ушбу тушунчани XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларидаги шеъриятда немис адабиётшунослари ака-ука Шлегеллар кенг қўллаган бўлиб, А. Шлегель «романтик шеърият – илғор, мукаммал ва ҳар томонлама шеъриятдир»[1], деб ҳисоблаган.

Шеъриятнинг ҳар томонламалигини романтиклар унинг фалсафий моҳиятида ва ҳаётни ифодалашдаги кенг имкониятларида кўрганлар. Романтика шеъриятга илҳом берувчи, фалсафанинг юқори материясидан, «сўнгги нафасдан, бўсадан ва боланинг беғубор қўшиғидан тортиб» барча нарсаларни қамраб олади. Г. Гейне фикрига кўра, немис романтизмининг аҳамияти шундаки, у ўрта асрлар тасвирий санъати, меъморлиги ва шеъриятини қўшиқлар шаклида ифодалаган.

Немис романтизмининг вакилларидан бири Новалис романтик эстетиканинг имкониятларини имкон қадар кенгайтирган. Унинг фикрига кўра, «чинакам шоир ҳамма нарсани билгувчидир, у – ҳақиқатан ҳам кичик коинот»[2] Новалис романтик шеъриятнинг ўзига хос жиҳатини табиатни инсонийлаштиришда кўрган: шоир қалбининг махсус конструкцияси туфайли манзара мазмун ва аҳамият касб этади. Кимки заминнинг овози ва тафтини, табиатнинг ҳайқириғини ва коинот қалбининг улуғворлигини эшитиш ва кўришга қодир бўлмаса, қалби ва жисми билан борлиққа туташиб кетолмайди. Новалис романтизм шеъриятининг яна бир хусусиятини куйидагича ифодалайди: «Фалсафанинг олислардан келаётган овози шеъриятга ўхшайди, чунки ҳар қандай садо узоқлардаги мусиқадир. Унинг атрофида ёки икки қутбида ижобий ёки салбий шеърият жойлашган. Демак, барча нарсалар олисларда шеъриятга айланади. Булар йироқлардаги тоғлар, узоқлашган инсонлар, воқеалар ва шу кабилар бўлиб, барчаси романтик

[1] Литературная теория немецкого романтизма: Сб. науч. тр. – М.: Книга по требованию, 2013. – С. 172.
[2] Ўша манба. – Б. 124.

кайфият беради. Мана шу нарсадан шеъриятнинг ўзига хос жиҳати пайдо бўлади, тун ва оқшом шеърияти пайдо бўлади»[1].

Умуман олганда, немис романтизмида Ф.Шлегель – индивидуализм ва ижод эркинлигини, Г.Гейне – универсализмни, Новалис – табиатдан илҳомланиш ва замонавий воқеликдан воз кечишни, Шеллинг эса чексизлик ҳамда онглилик ва англанмаганликнинг яхлитлигини кўрган. Вордсворт Кольридж, Байрон, Шелли, В. Скотт каби мутафаккирлар ўз ижодида романтизм методологиясининг ўзига хос услубларини яратган. Инглиз романтизмининг тадқиқотчиларидан бири А. А. Елистратова таъкидлаганидек, «инглиз романтизмидаги шеъриятнинг космик кенглиги, табиатни пантеистик тушуниш, тарих ва индивидуал онг, Эски Аҳд, Қадимги ҳинд асотирлари ҳамда янги шахсий асотирий рамзларнинг яратилиши – буларнинг барчасини шунчаки содда ва беғубор янглишиш ёки адашиш эмас, балки бадиий тараққиётнинг ўз даврида оламни англашдаги зарурий шарти сифатида кўриш зарур»[2].

Романтиклар бепоён, чексиз оламни, инсон тасаввурларининг парвозини, ҳодисаларнинг зиддиятини таъкидлайдилар, инсон борлиғини фалсафий англашга интиладилар. Инглиз романтиклари орасида Байрон ва Шелли алоҳида ўрин тутади. Улар ўзларининг инқилобий-романтик асарларида янги эстетикага йўл очганлар ва асос солганлар, шу билан бирга, бадиий тушунчалар доирасини кенгайтирганлар, романтик руҳдаги буюк қаҳрамонларни яратганлар.

«Шарқ романтизмида дунёқараш муаммоси ҳамда унинг ижтимоий ва мафкуравий негизлари» деб номланувчи учинчи параграфида Шарқ романтизмининг мазмуни – идеаллик, яъни Ҳақиқат, Куч ва Тинчлик ғалаба қозонадиган ҳаётдир. Ушбу оғриқли сатрларда ижтимоий идеалнинг дунёвий хусусияти ҳамда Ҳақиқат ва Тинчлик излашнинг мураккаб йўли акс этган.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бу ёруғ дунёга келган ҳар бир инсон орзу-умидлар билан яшайди, келажак ҳақида турли-туман режалар тузади, хайрли ниятлар қилади. Худди шундай ҳар бир халқнинг ҳам тинч-тотув яшаш, фаровон ҳаёт, барқарор тараққиёт билан боғлиқ орзулари бўлиши табиий.... Бу орзуларда мужассам бўлган халқимизнинг истаги, хохиш –иродаси инсонпарвар ва тараққийпарвар ғояларда ўз ифодасини топганига қадим тарихимиз гувоҳ»[3]. Шу жиҳатдан Шарқ романтизми гоҳ маънавий, гоҳ адабий, гоҳ сиёсий, гоҳ диний-фалсафий тус олган. Бадиий услуби қандай бўлишидан қатъи назар, у халқларнинг тарихий тақдирини ифодаловчи ижтимоий-тарихий тараққиётининг бир ифодаси бўлган. Шарқ романтизм услубининг эстетик принципига «безовта қалб сир-синоатлари»ни очишдан иборат муҳим муаммолар асос қилиб қўйилган. Исёнчи қаҳрамонлар оламшумул саргузаштлар ёки жиддий осойишталикни

---

[1] Ўша манба. – Б. 135.

[2] Елистратова А.А. К проблеме соотношения реализма и романтизма (На материале истории английской литературы конца XVIII – начала XIX вв.). – М., 1956. – С. 7.

[3] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т., O‘zbekiston, 2021. –Б.14-15.

истаганлар. Қаҳрамонлар ҳаётий куч билан тўлиб-тошганлар, шунинг учун ижодкорлар ўз қаҳрамонларини маънавий ва жисмоний камолот руҳида кўрсатганлар.

Шарқ уйғониш даври, хусусан сўфийлик дунёқараши билан боғлиқ шоирлар ижодида Шарқ романтизмининг асосий эстетик принциплари нафақат акс этган, балки шаклланган ва, ўз навбатида, инсон маънавиятини чуқур кузатувчанлик билан англашга, инсоннинг илғор ижтимоий-гуманистик ғояларини намоён этишига имкон яратган. Бошқа тарафдан, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг бадиий-эстетик тафаккури тараққиётига, мусиқанинг нафис оҳангдорлиги, умумлашган кўтаринкилик, санъат воситаларининг рамзийлиги, ассоциативлиги ва метафорага бой бўлишига олиб келган. Буларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги нозик муносабатларни очишга қаратилган эди. Натижада шундай гўзал романтик асарлар яратилганки, уларнинг аҳамияти мамлакат доирасидан чиқиб, Шарқ халқлари яратган ўлмас асарлар даражасига кўтарилган.

Шарқ романтизми Европа романтизмига ўхшаш кўплаб жиҳатлари билан бирга, ўзига хос мураккаб хусусиятларига ҳам эга. Европа романтизмининг ёрқин намоён бўлиши XVIII аср охири ва XIX аср бошларига тўғри келса, Шарқ романтизми янада қадимийроқ илдизларга эга. Исломга қадар маънавий обидалар, диний-фалсафий оқимлар ва деворга битилган расмлар, ўрта аср алломалари Форобий, Ал-Маарий, Ғаззолий ва бошқа мутафаккирларнинг асарлари, хусусан Шарқ миниатюралари Шарқ романтизмининг нафақат муайян тарихий ҳодиса, балки дунёни билишнинг ўзига хос услуби ва анъана эканлигидан далолат беради.

Шарқ романтизмининг дунёқараш муаммосини ҳамда ижтимоий, мафкуравий негизларини айнан ана шу кўп маъноли ҳаёт оқимидан, инсон ва жамият муаммоларидан, ижодкорнинг хаёли ва қалбидан излаш зарур. Шарқ романтизми – ёзилган услуб эмас. Унга адабиёт, санъат, дин, фалсафа ва эстетик тафаккурнинг жумбоқли ва мураккаб захираларида ўрин эгаллаган чуқур фалсафий тафаккур меваси сифатида қарамоқ лозим.

Диссертациянинг «**Шарқ романтизмининг генезиси – шарқона бадиий тафаккур ва эстетик ривожланиш услуби сифатида**» деб номланган иккинчи бобида, оламни хаёлот тарзида англаш, инсон қалби фалсафаси эпик-лирик кўринишларининг уйғунлиги; илк ўрта асрлар Шарқ санъатида мифологик, фалсафий ва диний таълимотлар синкретиклиги ва бадиий тафаккурда романтик йўналишнинг эстетик асослари очиб берилган.

Инсоният тамаддуни субҳида ушбу маънавият инсон билиш назариясининг синкретик характери натижаси ўлароқ шаклланди. Энди у «Табиат нима?», «Ҳаёт нима?», «Ўлим нима?», «Инсоннинг ўзи нима?», «Олам аслида қандай?» каби бирламчи ва оддий савол-жавоблардан янада мураккаб воқеликлар сари интилди. Шу йўсинда у аста-секин билимсизлик ва инсон онгининг ожизлигидан олам ва коинот ҳақидаги ҳақиқатни билиш томон йўл очди. Аммо бу йўл жуда сермашаққат ва эгри эдики, табиат ва

ижтимоий тафаккурнинг аниқ ва табиий инъикоси билан бир қаторда, борлиқни турфа йўллар билан изоҳлаш қобилияти ҳам шаклланди.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида **«Оламни хаёлот тарзида англаш, инсон қалби фалсафаси эпик-лирик кўринишларининг уйғунлиги»** таҳлил қилинган. Инсониятнинг ҳадиксираб, журъатсиз тарзда босган қадамлари, бир томондан, табиат ҳодисаларини қунт билан кузатиб, улардаги ўзаро алоқадорликни топишга ундаса, бошқа томондан, ҳали ўрганилмаган воқеа-ҳодисаларни ўрганишга интилиш инсон фантазиясининг ривожланишига сабаб бўлади. Шу йўсинда мушоҳада ҳаёт ва табиатни англашда идрокнинг асосий гносеологик усулларидан бири бўлиб қолади. Шундай қилиб, Шарқ романтизмининг ибтидоси бўлган асотирлар шеърий-тафаккурли ижод намунаси ҳамда қадимий халқларнинг содда энциклопедияси бўлиб, унда бизни минглаб йиллар ажратиб турган дин, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва космология ўз ифодасини топган.

Шарқ романтизмининг ибтидоси милоддан аввалги биринчи минг йилликда Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудида кенг тарқалган зардуштийлик дини, ўз даври учун улкан маънавий ва мафкуравий аҳамиятга эга бўлган ҳамда Ўрта Осиё, Эрон, Бобил ва Ҳиндистоннинг улкан ҳудудида яшаган халқларнинг кейинги тараққиётида катта роль ўйнаган таълимот билан боғлиқ. Ушбу диний таълимотдан дунёқараш, ахлоқий покланиш, инсоннинг маънавий дунёсига чуқур кириб бориш, ахлоқий бурчни англаб етиш, эстетик идрок учқунлари каби фалсафий муаммолар диний қобиқда шаклланиб борди.

Зардўштнинг ижтимоий идеал ҳақидаги фикрлари тинч-осуда ҳаёт кечириш, турмуш ўртоғи ва фарзандлари бўлиши, озиқ-овқат мўл-кўллиги, соғлом ва узоқ умр кўриш каби орзулардан юзага келган. Унинг салтанатида совуқ ҳам, иссиқ ҳам, касаллигу ўлим ҳам бўлмайди. «... У ерда сув узунлиги бир хосар бўлган ўзанлардан шитоб билан оқади... У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик ва қут-барокатли яйловлар ярат... У ерда кенг ва баланд уйлар қур... У жойга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши эркак ва аёллар уруғларини олиб бор... У жойга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, яхши жониворларнинг хилма-хил уруғларини олиб бор»[1].

Ушбу ахлоқий-ижтимоий идеал кейинчалик ўрта асрлар фалсафий идеалида, барча ёвузлик ва ноҳақликларга чек қўядиган, қоронғулик ва ҳақсизликни йўқ қиладиган, соф инсоний ва тинч оламни яратадиган эзгу ва ҳаққоний романтик тафаккурда ўз аксини топди. Инсоният тарихининг романтик кайфият ва туйғу ифодасининг ижтимоий-сиёсий кўринишларидан кенг қулоч ёзган ҳаракат ва ижтимоий идеални ахтариш Шарқ тафаккурининг муҳим асосини ташкил этган; бадиий, диний-фалсафий қарашлар монийлик ва маздакизмда ифодаланган.

Моний ва Маздак таълимоти, умуман олганда, демократик эди. У моддий ва маънавий тенглик ғоясини илгари суриб, кўплаб одамларни бирлаштирган. Ушбу утопик ижтимоий идеал ҳаёт қийин ва оғир бўлган

[1] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Таржимон А. Маҳкам. – Т.: Ғафур Ғулом, 2015. – Б. 222.

дастлабки феодал шаклланишлар даврида одамларга таъсир этиш ва уларни бирлаштириш имконига эга бўлган. Бир томондан, тенг ҳуқуқли демократиянинг ҳаётбахшлиги, бошқа томондан, тақдир билан пессимистик муросага келиш Моний таълимотининг асосий мазмуни бўлган. Кейинчалик бу ғоялар Шарқ романтизмининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи бадиий тафаккурнинг метафорага бой услуби ва ассоциатив аллегориянинг ёрқин намунаси сифатида ўрта асрлар Шарқ шеърияти ва илғор фалсафий-эстетик таълимотларида намоён бўлган.

«Фирдавсий таърифида маздакийлар – ўз меҳнати самарасидан маҳрум, оч-яланғоч қолган ва ҳақли равишда исён кўтарган кишилар. Маздак образини эса шоир алдоқчи, қаллоб, муттаҳам эмас, балки оч халққа нон топиш йўлини кўрсатиб берган донишманд йўлбошчи сифатида тасвирлайди»[1]. Фирдавсийнинг шеърларида Маздак романтик қаҳрамон сифатида гавдаланади, у халқни умумий ёвузликка қарши кўтаради ва ҳаққоний давлат қуришга даъват этади. Ўз даври учун бу ҳол ўрта асрлар Шарқ романтик фалсафасининг ютуғи бўлган.

Ўз моҳиятига кўра диний-фалсафий, йўналиши бўйича ижтимоий-утопик, қалбан эса романтик ҳаракат бўлмиш маздакийлик V асрдан VI аср бошларига қадар тарқалди. Ушбу таълимотга ўз негизлари, илдизлари ва ўзига хос тарихий сабаблари бўлган жараён сифатида қарамоқ зарур. Л.И.Ремпель образли қилиб айтганидек, ушбу даврда «инсонда гўзаллик ҳисси бамисоли қўрқув билан ўралиб, жаҳолат билан бостирилган ҳолда қотиб қолган»[2].

Бобнинг «**Илк ўрта асрлар Шарқ санъатида мифологик, фалсафий ва диний таълимотлар синкретиклиги ва бадиий тафаккурда романтик йўналишнинг эстетик асослари»** деб номланувчи иккинчи параграфида Шарқ романтизми моҳиятининг якдил ва умумий таснифи, санъат воқеаларидаги ифодаси Шарқ халқларининг оламни маънавий-эстетик англаш жараёни, ижтимоий комилликни излаш, бадиий усулларнинг анъанавийлиги ва қонунийлигини образли тафаккурнинг декоратив шартланганлиги билан бадиий тафаккурнинг метафорага бой услуби ва ассоциатив аллегория орқали ифодалашга қаратилганлиги кўрсатилган. Янги ижтимоий давр қадриятларни қайта англашни талаб этарди, инсонлар олдига фалсафий ва бадиий масалалар қўярди. Илк феодал қасрлари вужудга кела бошлади, уларнинг жиҳозланиши фалсафий-диний ғояларни образлар орқали ўзига хос тарзда ифодалаш жараёнини кўрсатган эстетик ва бадиий маданиятни тавсифлайди.

Инсоннинг ички оламига борган сари чуқур сингиб бораётган фалсафий-диний онг бу ерда ўзининг тартибли эстетик рўёбини топади. Диний, маҳаллий ҳаётни акс эттирувчи фалсафий образлар аста-секин эстетик қонунлар ва стереотип шартларига ўта бошлайди.

---

[1]Фирдавсий. Шоҳнома / Шоислом Шомуҳамедов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом , 1975. – Б. 22.
[2] Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М.: Искусство, 1965. – С. 105.

Болаликтепа, Варахша, Панжикент деворий суратлари ўша даврдаги реал ва мифологик сюжетларнинг романтик ўзига хослигини кўрсатади. Бу суратлар бизга, қисман бўлса ҳам, ижодкорларнинг эстетик идеали ва бадиий диди ҳақида маълумот беради. Ушбу қасрларнинг барчасида аристократлар қатлами ва маҳаллий авом халқ ҳаёт тарзини акс эттирган қадимги монументал суратларнинг қолдиқлари топилган. Уларда илк ўрта асрлар одамларининг фалсафий-эстетик ва бадиий онги ифодаланган.

Ўрта Осиё антик давридаги санъатда образларни талқин қилишда романтик ҳақиқатга интилиш, тур ва белгиларни индивидуаллаштириш қобилияти илғор эстетик вазифа эди. Айритом бино пештоқидаги нақшли ҳошиялар, Тупроққалъа деворий суратидаги мусиқачи аёл тасвири илоҳийликни эмас, балки аёлларнинг нафосати, маънавий гўзаллиги ва улуғворлигини ифода этади. Ҳайкалларнинг сюжетлари ва мазмуни (масалан, Тупроққалъада) подшоҳларни улуғлашга бағишланган: жангчи шоҳлар, ғолиб қироллар, сулолалар, унутилиб кетган шоҳлар портретлари[1].

Шундай қилиб, Қадимги Шарқ санъати, бир томондан, мифология билан чамбарчас боғланиб кетса, бошқа томондан, оламни кучли романтик реаллик ҳисси билан қабул қилган ва жонли-хаёлий образларда намоён этган. Унинг ривожланишининг илк босқичларида гуманистик йўналган образларга интилиш, символик-умумлашган ва метафорик талқин қилинган образлар кузатилади, уларда эзгу асослар ғолиблиги куйланади. Буларнинг барчаси Шарқ романтик дунёқарашнинг шаклланиши ва тараққиётини тавсифлайди.

Ўрта Осиё ҳудудидан археологик қазишмалар пайтида топилган ҳар хил сопол ҳайкалчалар «Қўлида қуш тутган жангчи» терракота плиткаси (V–VIII асрлар, Афросиёб), «Соқоли бор тўнағичли чапақай» (VI аср, Кафир-қалъа), ибодат қилувчи шахслар тасвири туширилган сопол тахтачалар (Терракота, VI–VIII асрлар, Афросиёб) кабилар бадиий талқин орқали инсон маънавиятини кўрсатди. Умумлашган ва символик образларда инсоннинг ички олами, идеаллари, эътиқоди акс этган. Улар ўша давр одамлари ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил этган. А. Ҳакимовнинг таъкидлашича, «Сўғдга маданиятнинг кенг мифологик тасвири хосдир: санъатнинг рассомлик, ҳайкалтарошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги каби турлари гуллаб-яшнагани кузатилади (Афросиёб, Панжикент, Варахша). Ундан ташқари, ҳунармандликнинг баъзи турлари – торевтика (тилла суви юргизилган кумуш), сопол, коропластика, тикувчилик, заргарлик санъати кабилар – ҳам ривожлангани кузатилади»[2].

Диссертациянинг учинчи боби **«Яқин ва Ўрта Шарқ романтизмининг фалсафий-эстетик асослари»** масалаларига бағишланиб, унда тасаввуф фалсафасининг мураккаб ижтимоий-маънавий феноменини борлиқ ҳақиқатидан устун қўйиш ҳисси мотивларининг идеали, ўрта асрларда маънавий ўзлик ва бадиий тафаккурнинг ворисийлиги, Марказий Осиё

[1] Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М.: Искусство, 1965. – С. 90.
[2] Хакимов А. Искусство Узбекистана История и современность. – Т.: SAN'AT, 2010. – С. 58.

бадиий тафаккурининг мураккаблашуви ҳамда Форобий ва Ғаззолий эстетик дунёқарашининг ўзига хос парадигмаси илмий таҳлил этилган. Шарқ халқлари диний ва фалсафий тафаккурининг кейинги босқичларида тасаввуф ўзига «шарқона» қарашнинг фалсафий ва диний хусусиятларини сингдириб, олам, одам ва ҳаёт ҳақидаги тизимлаштирилган фалсафий таълимот сифатида намоён бўлади.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **«Тасаввуф фалсафасининг мураккаб ижтимоий-маънавий феноменини борлиқ ҳақиқатидан устун қўйиш ҳисси мотивларининг идеали»** деб номланиб, айни вақтнинг ўзида илғаб бўладиган дунёга ва инсоннинг мавҳум маънавияти оламига эътибор, маънавий ҳаётнинг бадиий қиёфасини яратиш истаги Шарқ романтизмининг ўзига хос жиҳатларига айланади. Бунга ёрқин мисол бўлиб сўфизм майдонга чиқади, у нафақат диний, балки фалсафий-эстетик, бадиий таълимот сифатида ҳам эътироф этилган.

X–XII асрларда Ўрта ва Яқин Шарқда сўфизм мистик таълимоти кенг тарқалди. Кўпинча фалсафий, ахлоқий, эстетик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ишларни амалга оширишда ислом дини тараққий этаётган сўфизм таъсирида бўлган. Тасаввуфнинг диний амалиётда индивидуал ҳайратнинг аҳамиятини асослаши шахснинг роли ва индивидуал тажрибаси тан олинишига ҳамда уни ахлоқан баркамол қилиб тарбиялаш тадқиқ этилишига олиб келди.

Тадқиқот ишида Шарқ оламининг Шайх Абу Саид Хуросоний, Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Жалолиддин Румий, Хўжа Аҳрор Валий каби машҳур сўфий алломаларнинг таълимотлари негизида шаклланган тасаввуф фалсафий оқими кўриб чиқилган. Сўфийларни инсоннинг ахлоқий ва эстетик ҳаёти кўпроқ қизиқтирган. Инсоннинг маънавий дунёсига чуқур кириб бориш, бу маънавиятга илоҳий учқун беришга эҳтиросли ташналик сўфийлик фалсафаси, шеърияти ва ахлоқининг асосидир. Инсониятнинг абадий ва чексиз яшашга муносиблиги, инсон онги ва ахлоқий арконларини унинг ҳаёт ташвишлари билан бевосита боғлиқлигидан ажратиш кабилар Шарқ романтизми ва тасаввуфнинг сирли руҳини ташкил этади.

Инсон қиёфаси нафақат фалсафий таълимотларда, балки шеъриятда, адабиётда ҳам замон ва макондан ташқарида акс эттирилган. Бу тасаввуф шеърий романтизмининг барчасига хосдир.

Ж. Румий фикрича, ҳақиқатни излаш керак эмас: ҳақиқат инсоннинг ўзида; у китобда эмас, балки ҳар бир тақводорнинг қалбидадир. Демак, инсон учун биргина машғулот бор: у бепоён ахлоқ денгизига шўнғимоғи ва ўз хаёлотига чўмиб, кузатувчан ҳаёт тарзи кечирмоғи лозим. Борлиқ ҳақиқати инсоннинг ичида яширинган. Инсон ўз қалбига чуқур кириб бораркан, ўзлигини англайди.

Румий ижодида кейинчалик маълум йўналишга эга бўлган Шарқ романтизмининг жуда кучли фалсафий шеъриятига асос солинган. Агар

фалсафа дунёни англашнинг диний, бадиий ва ҳатто илмий услубига хос бўлса, шеъриятда тафаккурнинг бу хусусияти ўзининг энг яхши ифодасини топади. Шарқ шоирлари, аслида, воқеликка мифологик, тасаввуфий ва диний қарашлардан Шарқ романтизмининг мафкуравий ақидалари орқали пантеистик фалсафага ўтадилар. Кейинчалик, Шарқ романтизмининг Умар Хайём, Алишер Навоий, Жомий, Бедил ва бошқа вакиллари томонидан тақдим этилган фалсафий лирикада боқий ҳаётнинг гўзаллиги ва одамларнинг гуманистик идеалларини очиб беришга қаратилган янги ижодий парвозларни кузатиш мумкин.

Тасаввуф мистик хаёлот олами, олам моделини тасаввур этишни сингдириш, зоҳидлик, инсон онгини ерга уриш даражаларидан ортодоксал ислом доктринасига мухолафат, олам ва инсон гўзаллигини таъкидлаш даражасига қадар бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «**Ўрта асрларда маънавий ўзлик ва бадиий тафаккур ворисийлиги**» деб номланиб, унда ислом дини қарор топганидан кейин Шарқ фалсафий-эстетик тафаккурида мутакаллимларнинг ортодоксал таълимотларига қарши турган фалсафий ва диний жамоалар вужудга кела бошлаганлиги ёритилган. Ана шундай ҳаракатлардан бири мўътазилийлар бўлиб, улар инсон иродаси эрки муаммосини қатъий қўйдилар. Инсон онгли ҳаёти давомида фақат худонинг кучига итоат этмоғи шарт эмас. Ҳайвондан фарқли ўлароқ, унинг онги ва тафаккури бор, улар ёрдамида у оламни англаши ва ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиши мумкин. «Мўътазилийларнинг иккинчи тамойиллари адолат масаласи бўлиб, бунга кўра инсонни феъл-атворида, қилаётган ҳатти-ҳаракатида эркинлиги билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Инсон ҳар бир қилган ишига ўзи масъулдир. Яхшилик ва ёмонлик бандадаги содир бўлган амалдир».[1]

Мўътазилийларнинг таниқли вакилларидан бири бағдодлик файласуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (801–866)нинг эстетик қарашлари шунда эдики, унинг учун ҳақиқатга етишиш йўлида на лисоний, на диний, на жуғрофий тўсиқлар бор эди, чунки, унинг наздида, ўтмиш аждодлар томонидан мерос қолдирилган ушбу «ҳақиқатлар инсонни маънавий жиҳатдан кўркамлаштиради». Бу йўлда илм ва ҳақиқатга ҳар хил муносабатда бўладиган инсонлар учрайди. Ал-Киндийнинг таъкидлашича, шундай инсонлар борки, улар мулоҳазали эрлардек кўринса-да, уларга ҳақиқат ётдир.

Ўрта асрларда Шарқ эстетик онгининг хусусиятларидан бирини фалсафий тафаккурнинг мифология, шеърият ва мусиқа билан боғлиқлиги ташкил этган. Шунинг учун ҳам Шарқ фалсафаси инсон қалбининг шеърий истиғфори сифатида қабул қилинади. Шу маънода, ҳар қандай дин романтизмнинг ахлоқий-эстетик принциплари сифатида намоён бўлади. Бу ҳол инсон тамаддунининг илк даврларидаги оламни эстетик англаш ривожининг табиий унсури эди.

[1]Ўзбекистон фалсафаси тарихи. I жилд. Т.: NOSHIR, 2013 - Б.70.

Шарқ романтизмининг яна бир хусусияти уйғунлик ҳақидаги таълимот бўлиб, у инсониятнинг романтик руҳиятига оламни англашнинг илк аниқ турлардан бири бўлган рационал илм уруғини сочган. Шу сабабдан ҳам «гармония» ва «дисгармония» тушунчалари муаммоси нафақат илмий муаммо сифатида, балки бадиий-эстетик масала ҳамда инсон ҳаётининг мазмунини англашдан кўзланган мақсад бўлиб ҳам ўртага чиқади.

Масалан, Ал-Маарий буларнинг барчасига баъзан ёлвориб, баъзан танқидий назар билан қараган. «Ёш Маарийнинг эътиборини нафақат фалсафий лирика, балки ёрқин ранглари билан, унинг ожиз нигоҳидан маҳрум бўлган, гуллар ифори ва қуёшнинг заррин нурларидан иборат бўлган «фоний дунё» ҳам тортган. Борлиқ ўзининг номукаммаллиги билан гўзалдир. Пўлат совут оқар сув, ойна сингари ёуд тонгги шудринг каби жиловланади; буюк шернинг кўзлари ёнаётган кўмир сингари чақнайди, чунки капалак бу ёлғон нурларга қараб учади, зеро шернинг тирноқлари осмондаги ярим ойга ўхшайди»[1].

Ал-Маарийнинг нафақат шахси, балки фалсафий-шеърий ижоди ҳам романтик руҳият ифодаси бўлди. У пантеист, яъни Худо билан табиатни бирдай нарса деб ҳисобловчи файласуф бўлган, аммо унинг ҳурфикр, илғорлиги ижодида яққол сезилиб турган. У фалсафада рационализм тарафдори бўлган, лекин оламни ривожлантириш ва англаш орқали ҳақиқат ва бахтга етишиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, Ал-Маарий мусулмон оламида яққол романтик руҳияти сезилган илк ижодкор бўлган. Унинг инсонлар тенг ҳуқуқлилиги, адолатли жамият барпо этиш, порахўрлар, диний жаҳолатпарастлар ҳақидаги ғоялари, Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожидаги илдам қадамлар бўлган. У, ақл-идрокка сиғинди, барча тенг меҳнат қилиши кераклиги таъкидлади ва шуларнинг барчасини инсон бахтининг асоси деб билди. Инсон ҳар қандай ёвузлик, худбинлик, жаҳолатга қарши курашда янада гўзаллашиб, ҳимматли бўлиб боради.

Х асрнинг иккинчи ярмида Басра шаҳрида «Мусаффолик оғалари» («Ихван ас-сафо») фалсафий-диний иттифоқи вужудга келган. Уларнинг фикрига кўра, фалсафа ва динни бирлаштирса бўлади, аммо бунинг учун фалсафани ақл билан ўрганмоқ зарур, чунки у шариатни покловчи ақлдир. Мантиқ ва табиий фанлар хусусида улар Аристотелнинг қарашларига мойил бўлганлар, эманация масалаларида – янги пифагорчиларни, антропология ва тиббиётда – Галенни, олам ва коинот масалаларида эса янги платончиларни ёқлаганлар. Қадимги юнон таълимотларига бундай кўр-кўрона эргашиш ва қадимги фалсафа билан феодаллик даври ғояларини бирлаштиришга интилиш уларнинг пантеистик идеализмини таъминлаган.

Гносеологияда улар ақлнинг билиш жараёнидаги ролини жуда юқори баҳолаганлар. Инсон ўзига чўмиб, оламдан воз кечиб эмас, балки оқилона ҳаракатларни амалга ошириш, ҳиссиётлари ёрдамида олинган

[1] Абу-ль-Аля аль-Маари. Избранное. – М.: Художественная литература, 1990. – С. 15.

маълумотларни таҳлил қилиш орқали ҳақиқатга эришади.

«Мусаффолик оғалари»нинг таъкидлашича, «неъматлардан маълум вақтгача баҳраманд бўлишдан мақсад, ҳақиқатни билиш, ажойиб фазилатлар, тўғри қарашлар ва соф амаллар билан қалбни юксалтиришдир»[1]. «Мусаффолик оғалари»нинг эстетик идеали ва романтик дунёқараши айнан мана шудир. «Ғоявий майдонда ислом динининг ҳукмронлиги ўрнатилди, аммо сўфизм – тасаввуф либосига йўғрилган илғор таълимотлар унга қарши мухолафат сифатида майдонга чиққан. Улар «Мусаффолик оғалари» ҳамда «фалсафа билан шуғулланувчи мусулмонлар» – Ғаззолий, Форобий, Ибн Сино каби алломалар эди»[2].

Бобнинг учинчи параграфи «**Марказий Осиё бадиий тафаккурининг мураккаблашуви ҳамда Форобий, Ғаззолий эстетик дунёқарашининг ўзига хос парадигмаси**» деб номланган. Абу Наср Форобий яшаб ижод қилган давр (IX–X асрлар) Марказий Осиё халқлари ўзлигини англашдаги мураккаб давр бўлган. Форобийнинг эстетик қарашлари моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уйғунлиги, рационаллик ва эмоционаллик, руҳ ва тана ҳақидаги фикрларида намоён бўлган ҳамда санъатнинг турли кўринишларида, асосан мусиқада мисол тариқасида акс эттирилган. Форобий қадимги юнон файласуфларининг уйғунлик ҳақидаги таълимотларини ривожлантириш асносида «уйғунликни» гўзалликнинг бир кўриниши сифатида таъкидлашга интилган. Уйғунликнинг мистик асосини таъкидлаган мутакаллимлардан фарқли ўлароқ, Форобий эстетикаси уйғунликни табиатнинг аломати сифатида тушунтиради[3].

Уйғунлик Форобийда мукаммаллик ва гўзаллик мезони сифатида намоён бўлади. Инсоннинг ахлоқий камолоти ва эстетик гўзаллиги фаолиятнинг ҳар қандай турида унинг жисмоний ва маънавий, ақлий ва ҳиссий уйғунлик бирлигига қанчалик жавоб беришига қараб баҳоланади. Бу уйғунликда, гўзаллик ёки хунукликни ажратишда инсон онги алоҳида аҳамиятга эга.

Санъат ва фаолият масалаларида Форобий рационалистик позицияни эгаллаган. Унинг учун санъат ҳаётнинг ўзига хос инъикоси ва уни англашдир.

Форобий санъатнинг баҳс мавзуи муаммосини тўғри қўяди. Унинг фикрича, санъатнинг предмети воқеликдир, лекин ҳар бир санъат тури уни ўз хусусиятидан келиб чиқиб, масалан, шоир – сўзлар орқали, ҳайкалтарош – ҳайкал орқали, пантомимачи эса имитация орқали акс эттиради.

Форобий, гарчи санъат воқеликка тақлид қилса-да, уни бўрттириб ифодаласа-да, лекин у воқеликнинг ўзидан фарқ қилишини, у махсус қайта тикланадиган ҳодиса эканлигини тўғри англаган. Чунки, санъат, ҳақиқатан

---

[1] [1]«Братья чистоты». //Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIVвв. – М. Соцэклитературы, 1961. - С.143.

[2]Булатов М.С. Фараби и архитектура // Общественные науки в Узбекистане. – 1973. – № 6. – С. 56.

[3] Исламова Л.А. Эстетические идеи в произведениях Фараби // Общественные науки в Узбекистане. – 1973. – № 6. – С. 43.

ҳам, воқеликни бадиий образларда гавдалантиришдир. Лекин у воқеликнинг ўзи эмас, у инсон ижодий кучининг эркин ўйини орқали яралади. Умуман олганда, санъатнинг асосида ҳаётни маънавий ўзлаштириш ва қайта тиклаш билан боғлиқ ўйиннинг қандайдир улуши бор. Борлиққа ижодий муносабатнинг натижаси бўлмиш санъатнинг айнан мана шу жиҳатини Форобий тўғри тушунган. Бошқа тарафдан, у санъат асарларининг ҳақиқийлиги масаласида қатъий турган, ҳар бир қайта тиклаш, унинг фикрича, мантиқийдир.

Форобийнинг оламни билишда ва гўзалликни идрок этишда инсон эркинлиги ва иродасига асосланган эстетик ғоялари воқеликка эстетик муносабатнинг анъанавий категорияларида ўзаро боғлиқликни тушунишга қаратилган эди.

Ўрта асрлар илоҳиёт мутахассислари орасида ўзининг кўп қирралилиги ва қарама-қарши фикрларга бойлиги билан **Абу Ҳамид Муҳаммад Ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг** (1058–1111) фалсафий тизими ажралиб турган.

Ғаззолийнинг идеализми инсон билими босқичларини бир томонлама бўрттиришга асосланган изчил тизимга таянади. У ҳаётдан ва инсон амалиётидан бутунлай ажралган интуитив билимга эътибор қаратади. Бошқа томондан, Ғаззолий инсон фантазиясининг кучини, инсондан ва унинг ердаги ҳаётидан узоқ тасвирларни яратиш қобилиятини жуда чуқур ва нозик ҳис қилади. Хаёлотнинг самога, илоҳий мавжудотлар яшайдиган водийларга осойишта кўтарилиши, ўз навбатида, инсон онгининг ҳиссий тузилишини, ўзига хос экстазини белгилайди.

Буларнинг барчаси эркин учиш, чўмиб кетиш, худо билан бирлашиш иллюзиясини яратган, чунки шу йўл билан қалб фориғланган, бу эса сўфийлар томонидан руҳни оила ва дунё ташвишларидан тозалаш учун қалбнинг покланиши ҳақида тасаввур яратган. Ўзини поклаш ғояси сифатида тақдим этилган психологик ҳолатнинг айнан шу хусусияти ҳамма учун мавжуд бўлган ва сўфийлик таълимотининг кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бошқа томондан, инсон камолоти ҳақидаги сўфийлар назарияси одамларга жуда яқин эди. Ғаззолий ва тасаввуф таълимотига кўра, инсон тариқат йўлини ўтиб, яъни руҳини поклаб, ахлоқий покланишнинг маънавий поғоналаридан кўтарилар экан, албатта, гўзаллашади.

Ғаззолийнинг тасаввуфи ҳар хил психик ҳолатларга муҳим эътибор қаратар экан, маънавий субстанциянинг чуқур қатламларини ичидан текшириб кўрмоқчи бўлади ва бутун ердаги воқеликларни Яратганнинг гўзаллиги ва унга бўлган мухаббат билан боғлашга интилади. Оллоҳнинг сўфиёна омоли нафақат мушоҳаданинг моҳияти сифатида мутлақ гўзал, у ўзида гўзаллик ва камолотнинг ахлоқий омолини ифодалайди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Шарқ бадиий тафаккури ворисийлиги ва замонавий ўзбек тасвирий санъатида романтизм мавзуси**»га бағишланиб, унда Ўзбекистон XX аср тасвирий санъатининг уйғун ва фалсафий мушоҳадага асосланган парадигмаси ворисийлиги,

замонавий бадиий санъат ривожида Шарқ романтизми ва ижтимоий воқелик муаммолари илмий асосланган.

Бобнинг **«XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатининг фалсафий мушоҳадага асосланган парадигмаси ворисийлиги»** деб номланган биринчи параграфида замонавий ўзбек тасвирий санъати услубий жиҳатдан кўп қирралилиги билан ажралиб туриши кўрсатилди. Унда Европа классикаси, XIX аср рус реализми, Уйғониш ва Янги давр услубий усуллари, ҳозирги замон дунё прогрессив санъати ва кўп миллатли анъанавий мумтоз санъат тажрибалари ўз аксини топган. Шу билан бирга, миллий бадиий анъаналарни англаш нафақат миллий ўзига хосликни намоён этиш, балки янгидан-янги ғоялар ва образларни ҳозирги даврга мос равишда талқин этиш билан ҳам боғлиқ бўлиб қолди.

Визуал санъатдаги шеърий ва романтик идрок этиш ва воқеликни акс эттириш тенденцияси Ўзбекистон замонавий санъатининг энг самарали ва истиқболли йўналишларидан биридир. Идрок этиш шахсий субъектив фаолиятни ва ҳаётий материални шеърий идеаллаштиришни тасдиқлаши билан бирга, айни пайтда характер, темперамент, эстетик идеал ва рассом ижодий тафаккурининг ўзига хослигига қараб ўзгаради.

Шарқ романтизмининг визуал санъатдаги ифодасидан, бир томондан, эстетик ширин хаёллар оғушининг беланчаги сифатида орзу-тилакнинг ҳаддан зиёд ривожланиб кетиши, бошқа томондан эса, янада ёрқин ўзга бир рамзий шакл, шунингдек идеаллик ҳамда воқеликни кўрсатишдаги орзулар ва воқелик каби ҳодисалар келиб чиқади. Шарқ рассомлари маънавий моҳият излаб, бадиий мавҳумликнинг инсонни ҳайратга соладиган даражадаги жумбоқларигача ва борлиқ гўзаллигини идеаллаштиришда нафис серқирраликкача ўсиб борганлар. Шарқ рассомлари учун инсон қалбининг камолоти йўлида якдил яратувчанлик қобилиятини тасвирлаш муҳим ҳисобланган. Шарқ санъати инсон қалби фалсафасига чуқур кириб бораркан, ширин ҳаёт ҳақидаги лирик ўйларни тасвирлаган.

Реалликнинг орзу билан ўзаро нисбати кўрилган, орзу эса гўзал кўриниш билан йўғрилган ва бу ҳол бадиий қарашларнинг шундай шаклларини яратдики, улар, ўз навбатида, Шарқ романтизмининг ўзига хос шеъриятини қонунлаштирди.

Бу каби композициянинг аниқ ташкил этилганлиги асосига қурилган услуб ва ташқи гўзалликка интилишни О. К. Татевосьяннинг «На празднике Уразы» (Рўза байрамида), «Сеил» (Сайил) ва бошқа асарларида кўриш мумкин. Уларда рассом кўпроқ мусиқий оҳанглар, силлиқ чизгилар ва маҳаллий рангларнинг кўзни қамаштирадиган гўзаллигига кўпроқ аҳамият берган. О. К. Татевосьяннинг кўплаб экспериментлари орасида «Сайил» (1919) шарқона руҳнинг намоён бўлиши, унинг тафаккури ва идеаллаштирилган дунёда сокин саодати билан ажралиб туради. Сурат худди жонланган эртак мисоли, ажойиб, гулдаста хаёлийлиги билан тасвирланган

«Минг бир кеча» романлари барча учун қайта тикланган эртак сифатида ўйлаб топилган.

Шарқона руҳиятга энг изчил ва чуқур кириб борган ҳамда романтик табиатдаги асл асарларни яратган рассом Усто Мўмин (А.В.Николаев) эди[1]. У, ўзида Шарқ ва Ғарбни бирлаштира оладиган янги нафис тилни топишга интилди. Рассомнинг қалбини Шарқ тўлқинлантирган эди, аммо мантиқан у бадиий умумлаштиришнинг синтетик шаклларини излашга ҳаракат қилди. Т. Маҳмудов таъкидлаганидек, «...Усто Мўминнинг 20-йилларда яратган асарларида инсон характерининг индивидуал жиҳатлари ҳали очилмаган, шахснинг ижтимоий моҳиятидан кўра ташқи ғайриоддий, шарқона роҳат ва фароғат кайфиятлари кучли эди»[2].

«Дуторчи» картинасида у расмдаги юксак маданиятни рангнинг чуқур моделировкаси билан бирлаштиришга ҳаракат қилди. Ушбу картинада Шарқнинг «гўзал йигитчаси» сийратини излаш акс этган. Сурат тасвирланган саҳнанинг яқинлиги ва дунёдан ажралиш ҳисси билан тасвирланган шахсларнинг маълум бир ички туйғулари билан тўлдирилган. Ёш йигит образида рассом хотиржамликни, ички оламга қаратилган нигоҳида эса ўз характерининг нафосатини ифода этади. Шунга қарамай, ушбу суратда рассом суратнинг этнографик жозибадорлиги ва декоратив тўлиқлиги вазифалари билан чекланган.

Экзотик ўтмишни идеализация қилиш ва «келишган ёшлар»нинг умумлаштирилган қиёфаси «Беданавоз», «Гўзал ёш йигит» образини излаш «Баҳор» расмида энг умумлаштирилган ва ифодали акс этган. Рассом, инсоннинг ташқи олам билан маънавий уйғунлигини аҳтаради. Унинг ўйлаган нияти рамзийдир: ёшлик ва гўзаллик бу инсон ҳаётининг баҳоридир. Кўпгина рассомларга хос бўлган ёшлар образи орқали, ўзини-ўзи такомиллаштиришга қаратилганлиги билан чинакам новаторликдир.

Т. Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, «агар Чингиз Ахмаров, Баҳодир Жалолов эстетик ғоясини идеаллаштирган ҳолда, гўзалликнинг умумий, айни чоғда аниқ ифодаси тарзида тасаввур этсалар, Юрий Зорькин ижодида романтик кайфиятларга хос шиддатли қалб туғёнлари кучли ифодаланади. Унинг «Ўғлим дунёси» асари ёш йигит романтик орзу-умидларининг парвозига бағишланган. Рассом ўспирин хаёлларининг учқур ва рангбаранглиги, умид ва орзуларининг чексизлигини кўрсатишга интилган»[3].

Романтик йўналишнинг яна бир вакиласи Шамсирой Ҳасанованинг ижоди бутунлай Шарқ миниатюраси ва монументал рассомчилик анъаналари билан боғлиқ. Ш. Ҳасанованинг «Зебунисобегим», «Қўқон шоираси» номли картиналарида қандайдир романтик ифода бор. Уларда Зебунисобегим гуллаб-яшнаган боғ фонида бор бўй-басти билан тасвирланган. Рассом миниатюра анъанасидан келиб чиққан ҳолда шоиранинг идеал-илҳомланган ҳолатини кўрсатишга интилган. Зебунисобегимнинг қатъиятли ва ҳаяжонли

---

[1]Абдуллаев М. Бехзад и Матисс // Творчество. – 1976. – № 6. – С. 20–21.
[2] Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. – Т.: Ғафур Ғулом, 1988. – Б. 99.
[3] Ўша манба. – Б. 116.

қарашлари, кучли шамолнинг шойи чойшаб каби учиши унинг ижодий ҳолатини акс эттиради.

Шу билан бирга, Ш. Ҳасанова кенг кўламли образ ва психологик аниқликка интилади. Аммо ҳаяжонланган, романтик кайфиятдаги аёлнинг қиёфаси унинг қўл ва кўз ифодаси, ташқи атрибутлар орқали яратилган. Миниатюраларда бўлгани каби юз ифодалари орқали руҳий ҳолатни тавсифлаш йўқ.

Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати зарварақларида янги саҳифа очган рассом Ж. Умарбековдир. Унинг «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ўсмирлиги» ҳамда «Қўшиқ» номли полотноларидаги ғоянинг аниқлиги, чизгилар ва ранг моделировкасининг нозиклиги, орзуларнинг романтик шошқалоқлиги, рассомнинг ҳаётга, ижодга символик нуқтаи назари – буларнинг бари ушбу асарга хосдир.

В. Ванслов ушбу картинани Ўрта Осиё китоб миниатюрасининг стилизацияси сифатида тавсифлайди. «Биз бу ерда, – деб ёзади у, – худди шарқона эртакда югуриб кетаётгандек, узун эгри бўйни сехрли отлар, шаҳзода сингари най чалаётган бола ва бутун тасвирни ўзига хос тилларанг тус бирлаштирганини кўрамиз ва бу ҳол эски миниатюраларга хосдир. Ушбу сурат чиройли бўлса-да, узоқ ўтмишда яратилганга ўхшайди»[1].

Айни пайтда, шаклан ва мазмунан сурат узоқ ўтмишда яратилганга ўхшамайди. Агар най чалаётган бола тасвири шаҳзодага ўхшаса, демак, бу йўл қадимий ёки ҳаётдан, замонавий идрокдан узоқ дегани эмас. Йигитнинг идеаллашган сиймоси орқали ёш рассом ўзининг эстетик гўзаллик ғоясини ифода этган. Айнан шу расмда ёш Ж. Умарбеков нафақат Шарқ миниатюраси анъаналарига бўлган муҳаббатини, балки замонавий рассом-колорист сифатида ўзини ҳам намойиш этган. Бу ерда миниатюранинг ранг тузилмаси орқа планга ўтиб кетган, рассом янада гўзал қочиримлар билан «олтин тусли жигарранг колорит» уйғунлигига эришган ва бу билан инсон орзусининг байрамона кўтаринки руҳиятини намойиш этган.

Т. Маҳмудов таъкидлаганидек, «бу рассомларнинг қаҳрамонлари нотинч сайёрамизда мураккаб кечинмаларга эга бўлган, ҳаётга синчковлик билан муносабатда бўлаётган шахслардир. Мўйқалам соҳиблари полотноларидаги кишилар худди томошабинга «бу дунё қандай, сен кимсан, нималар ҳақида ўйлаяпсан, мақсадинг нима?», – деб савол бераётгандай туюлади»[2].

Иккинчи параграф **«Замонавий бадиий санъат ривожида Шарқ романтизми ва ижтимоий воқелик»** деб номланади. Санъатимизда XX асрнинг 70–80-йиллари ичида кекса рассомлар қатори А. Мирзаев, Ш. Абдурашидов, Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, С. Алибеков, М. Тўхтаев, В. Бурмакин, Ч. Мельников, Акмал Нур каби мусаввирлар тасвирий-услубий оҳангларни бошқачароқ ижро эта бошладилар. Ёш ижодкорлар гарчи ташқи таъсир ва таъқибни кутсалар-да, асарлари миллий ҳаёт нафаси ва жаҳон

[1] Ванслов В.В. Изобразительное искусство и проблемы эстетики. – Л.: Художник РСФСР, 1975. – С. 125.
[2] Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. – Т.: Ғафур Ғулом, 1988. – Б. 146.

санъатидаги ўзгаришларга мос ва хос белгилари билан маданиятимиз доирасини анча кенгайтиришига муваффақ бўлган эдилар. Таниқли рассомларнинг эътиборини кўпроқ тарихий ва замонавий мавзулар тортган бўлса, ёшларни кенглик, Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи бадиий-эстетик тасвир йўллари қизиқтирган. XXI аср рассомлари ва ёш ижодкорлар олам ва одам муаммоси тор ва чекланган мавзу бўлмай, ниҳоятда чуқур тафаккур юритишга ундовчи, тасвир доираси кенг вазифа эканлигини ҳис қилдилар.

Акмал Нур асарининг мазмун-моҳиятини инсон, илоҳиёт, ҳаёт, табиат ва жамият билан боғлиқ бўлган Гўзаллик, Улуғворлик, Муҳаббат, Нур ва Соя ўртасидаги диалектик алоқадорлик ташкил қилади. Инсон Нур ва Соя ўртасида яшар экан, унинг бутун вужудини нурга, гўзалликка ва ҳаётга ижодий муносабатда бўлиш каби беғубор туйғулар қамраб олади. Инсон Сояни инкор этмайди, лекин ўз руҳи, идеали, интилиши билан уни ҳам чароғон кўришга интилиб яшайди. Ҳаётдан, одамларнинг гўзаллиги ва олижаноб идеалларидан завқланиш, уларнинг бадиий шакл ва мазмунини яратиш рассомнинг ижод йўлини ёритувчи чўлпонидир. Агар рассом асарларини бир кўргазмага йиғиб томоша қилинадиган бўлса, унинг қанчалик хаёл образларида ҳаётий маъно борлигини, ҳаётий лавҳаларнинг ҳақиқий рамзи, маъносини очишга интилганини кўрамиз.

Акмал Нурнинг турли мазмун, сюжет ва лавҳаларга бағишланган асарларида ҳаётий туйғу, кечинма ва кўринишларни улуғлаш, куйлаш устунлик қилади. Ҳаётнинг кўриниб турган ёки сезилмаган ҳодиса ва лавҳалари Акмал Нур учун инсонни улуғловчи, ҳаётни куйловчи асарлар яратишига жалб этади. Рассом мавзуларининг кўплигига, турли-туманлигига қарамай, уларни бирлаштирувчи асосий восита, яъни ҳаётга, илоҳиётга, инсоннинг туриш-турмуши ва идеалларига бўлган муҳаббат асосий ўрин эгаллайди.

Рассомнинг 1990 йилда яратилган «Анор», «Оила», «Элтувчи хўкиз», «Намоз», «Туташиш» асарларида инсоний ва диний тасаввурлар чирмашиб кетган. Халқимизда янги чиққан ойга қараб дуо ўқиш, яхши ниятлар қилиш одати бор. Лекин ҳеч кимнинг қўли янги ойга етиб бормайди. Инсоннинг эзгу ниятлари, интилиши чегарасиз, у билан коинот ўртасида сирли, жумбоқли муносабат мавжуд. Инсон ана шу жумбоқни очишга уринади. Бунинг учун у самога интилиб, ҳатто ой билан туташишига тўғри келади. Асарда кекса кишининг ўроқдай янги ойга қўл чўзиб, дуолар қилаётгани ниҳоятда нафис ишланган.

«Анор» картинаси эса йигит билан қизнинг муҳаббати қўлида анор тутган йигит ва оппоқ рўмол ўраган ойдек сулув қизнинг андиша ва муҳаббатли изтироблари ифодалангани билан диққатга сазовордир. Бу икки ёшнинг туриши Шарқ йигит-қизларининг муҳаббат ва оила олдидаги нозик туйғуларини акс эттиради.

«Оила» картинаси ҳам унда Шарқ мавзуси шарқона ҳал қилинганлиги билан ажралиб туради. Ундаги йигит ва қизнинг ўтиришларида, хатти-

ҳаракатида замонавий руҳ сезилмаса-да, аммо шарқона ахлоқ-одоб ва самимиятга, муҳаббат ва вафога ишонч туйғулари акс этган.

А. Мирзаевга хос романтик идеал хусусиятлари, яъни инсонга, ҳаётга муҳаббат, инсондаги олижаноблик ҳисларига ҳурмат кабилар рассомнинг ижодида ўз тасвирий тимсолини топган. Охирги пайтларда манзара, натюрморт, ҳайкалтарошлик жанрларига, тарихий мавзу ва шахслар образини яратишга эътибор кучайган бўлса-да, психологик портрет ва миллий маиший мавзудаги картиналар сони камайиб қолди. Академик реализм йўлида таҳсил олган, миниатюра, халқ амалий санъати, деворий суратлардаги ранг-баранглик, романтизм, миллий халқ анъаналарига суянувчи рассомлар ижодида пластик тасвир йўллари шакллана бошлади.

А. Мирзаев бўёқларнинг ички ва ташқи ранглари ҳеч қачон бир-биридан ажралмаган ҳолда очиқ қиёфада, соф рангин шаклда бир-бирини тўлдириб туришини яхши билгани учун унинг ҳар бир асари худди ҳикоялардек маълум шахс, ҳолат, мавзу ва кечинмалар ҳақида томошабинда ботиний ҳис-туйғу ва тасаввур мажмуини юзага келтиради. Ҳатто маълум сюжет билан бойитилган, «Кузги Пошхурт», «Учрашув», «Сўқоқ манзаралари», «Тўй», «Кўк бозор» асарларида сюжет воқеалари чўзилиб, узилиб кетмайди, аксинча, картинанинг барча рангли, сюжетли, композицион бўлаклари ягона мақсад, яъни бадиий образ яхлитлиги атрофида тўпланади. Рассом ҳар бир асарида миллий одат тусидаги лавҳаларда юксак ахлоқий маъно мужассамлигини кўрсатади. Бу нарса рассом пластик маҳоратидаги бадиий-эстетик гўзаллик гулшанидан дарак беради. Натижада рассом жарангдор пластик рангтасвир услубини яратиш бахтига муяссар бўлди. У шакллар, ёнма-ён турса-да, ўзаро мутаносиб бўлишига, шакллар пластик жиҳатдан хилма-хил бўлишига қарамай, келишмовчилик билан эмас, ўзаро таъсир ва пластик жиҳатдан бир-бирини тўлдириш ва бойитиш симфониясига эришди.

Ўрта асрлар Шарқ миниатюрасидаги идеаллаштириш, шеърий ва романтик ҳаёт намойиши тенденцияси билан ажралиб турадиган замонавий рассомларникидан фарқли равишда, ғоявий ва эстетик мазмунга эга бўлган. Уста Мўмин (Николаев), Ч. Ахмаров, Ш. Ҳасанова, Т. Муҳамедов, А. Нур, А. Мирзаев ва бошқалар шеърий идеаллаштириш орқали ўзларининг комил инсон идеалини намоён этишга уринадилар, табиатнинг гўзаллигини куйлайдилар, оммавий ҳодисаларни ёқлайдилар. Улар учун шеърий идеаллаштириш инсон ҳаёти ва фаолияти ривожланишининг гуманистик тенденцияларини таъкидлашга хизмат қилади.

Т. Маҳмудов қайд этганидек, «агар О. Татевосьян ўз идеалини романтик ва афсонавий-мажозий ҳолатларда ифода этишга интилган бўлса, Усто Мўмин гўзал йигит идеалини узоқ ўтмишдан, Шарқ абстракт гуманистик ғоялари ва тасаввурларидан излаган. Шунинг учун у ўз ижодида Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи тасвирий воситаларни излаган»[1]. Хусусан, эстетик идеал романтик қарашга яқинлашади. Зеро Е. С. Громов эстетик идеални

[1] Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. – Т.: Ғафур Ғулом, 1988. – Б. 99.

«воқеликни эстетик идрок этиш натижасида шаклланган комил инсон ва орзу қилган жамиятнинг яхлит, аниқ-ҳиссий образи»[1] сифатида таърифлайди.

Визуал санъатдаги шеърий ва романтик идрок этиш ва воқеликни акс эттириш тенденцияси Ўзбекистон замонавий санъатининг энг самарали ва истиқболли йўналишларидан биридир. Идрок этиш шахсий субъектив фаолиятни ва ҳаётий материални шеърий идеаллаштиришни тасдиқлаши билан бирга, айни пайтда характер, темперамент, эстетик идеал ва рассом ижодий тафаккурининг ўзига хослигига қараб ўзгаради.

ХУЛОСА

Диссертация юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар ва таҳлилий изланишлар ва эришилган натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. «Романтизм» тушунчасига ўта бежамдорлик ва фикрлар қарама-қаршилиги хосдир. Баъзи олимлар романтизмда субъективизм, қизғин эҳтирос, эмоционал тажанглик, интуитивлик, индивидуализмни, шунингдек, ақлдан кўра ҳиссиётларнинг устунлигини, пессимизм ва ўз ички оламига берилиб кетишни асосий хусусиятлар сифатида таърифласалар, бошқалари романтизмнинг ўзига хослигини ўтмишни идеаллаштиришда, идеалга интилишда, юракнинг эркинлик томон шиддатли интилишида, фантазиянинг куч билан осмон узра учишида, табиатнинг пантеистик илоҳийлаштирилишида, келажак ҳақидаги орзуларда, шарққа, фольклор анъаналарига ва шу кабиларга қизиқишда кўрадилар.

2. Назарий қарашларни бир методологик кесимда кўриш орқали барча олимлар бадиий умумлаштиришдаги романтизм методида гиперболалик, хаёлотга берилиш, идеаллаштириш, аллегория, тимсолга интилиш, шартлилик, максимализм, ўзига хослик, қаҳрамонларнинг буюклиги, мумтоз анъаналардан воз кечиш, тасвирлаш воситаларининг бой ва ранг-баранглигини таъкидлайдилар.

3. Романтизм ва реализм ҳақиқатни эстетик англашнинг бирлашган икки қиррасидир. Уларни бир-биридан ажратиш, бирини иккинчисига қарши қўйиш бадиий образ ва айрим рассомларнинг ўзига хос дастхати, услубини талқин қилишда бир ёқламалик ва примитивликка олиб келади. Воқеликни реалистик ва романтик англаш усуллари оламни диний ва илмий талқин этишга ўхшаб кетади. Агар инсоният тарихининг аввалида илмий ва диний онг ўзаро боғланиб келиб, сўнгра аста-секин бир-биридан узоқлашган бўлса, романтизм ва реализм ҳам ана шундай параллель ривожланган. Аммо, диний ва илмий онгдан фарқли ўлароқ, улар бир-бирини рад этмаган ҳолда, янада чамбарчас боғланиб, бир-бирига қўшилиб кетган.

4. Шарқ романтизмининг мазмуни – идеаллик, яъни Ҳақиқат, Куч ва Тинчлик ғалаба қозонадиган ҳаётдир. Ушбу сатрларда ижтимоий идеалнинг дунёвий хусусияти ҳамда Ҳақиқат ва Тинчлик излашнинг мураккаб йўли акс

[1] Громов Е.С. Эстетический идеал. – М.: Искусство, 1961. – С. 19.

этган. Ҳақиқат ва Тинчликка эришиш учун Шарқ романтизмининг ижтимоий негизлари айнан шу воқеликнинг ифодаси сифатида намоён бўлди;

5. Шарқ романтизми Европа романтизмига ўхшаш кўплаб жиҳатлари билан бирга, ўзига хос мураккаб хусусиятларига ҳам эга. Европа романтизмининг ёрқин намоён бўлиши XVIII аср охири ва XIX аср бошларига тўғри келса, Шарқ романтизми янада қадимийроқ илдизларга эга. Шарқ романтизмининг генезисини узоқ тарихдан – Авесто қадриятлари ва бадиий тафаккуридан излаш, унинг эволюциясига мураккаб ва зиддиятли тафаккур маҳсули сифатида қараш зарур. Хусусан Шарқ романтизми нафақат муайян тарихий ҳодиса, балки дунёни билишда ўзига хос услуб ва анъана эканлигидан далолат беради;

6. Ислом дини қадимги даврларда бўлган бут-санамларга, деворий суратларга сиғинишни, асосан зардуштийлик урф-одатларини, монийлик, маздакизм ва бошқа эътиқодларни ман этган, тақиқни бузганларни эса таъқиб этган. Ислом дини фақат тасаввуфнинг асосий ақидаларига зид бўлмаган санъатни, маънавий фаолият соҳасини рағбатлантирган. Шу асосда тасаввуф ўрта аср шарқи даврида реакцион романтизмнинг ёрқин ифодаси сифатида пайдо бўлади. Бошқа томондан, ақидапарастлик билан бир қаторда, инсон онгини камситиш, халқнинг илғор, ижтимоий-тарихий фикри гоҳ фольклор шаклида, гоҳ амалий-ҳунармандчилик кўринишида, меъморчилик назариясида ёки баъзан инсон омилини англаш ва табиат ҳодисаларини билишга қаратилган илғор илм кўринишида ривожланган;

7. «Мусаффолик оғалари»нинг қарашлари Шарқ фалсафаси тарихида катта роль ўйнаган. Улар: биринчидан, фалсафий меросни тарғиб қилишган; иккинчидан, кўпроқ табиий фанларга эътибор қаратишган; учинчидан, мураккаб тузилишга эга бўлган коинотда инсонни онгли мавжудот сифатида юксак даражага қўйишган; тўртинчидан, ўз даври учун долзарб вазифа ҳисобланган атроф-оламни тадқиқ этишда ақлий билиш усулини асосий метод сифатида ривожлантирган; бешинчидан, гўзалликни инсон ақли ва қалбининг бирлиги сифатида тушунишган;

8. Тасаввуф ахлоқшунослигининг асосий хусусиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки: ушбу таълимот худога, яъни энг олий фазилатлар эгаси бўлган мутлақ комил зотга етишиш йўлида инсоннинг нисбий комилликка эриша бориши ғоясини илгари суради. Ушбу ғоя инсоннинг Оллоҳ олдидаги қўрқувини унга нисбатан юксак муҳаббатга айлантириш учун хизмат қилади. Тасаввуф ахлоқшунослиги инсондан худонинг сўқир қули эмас, балки уни таниган, билган юксак ахлоқли мавжудот, Оллоҳнинг ердаги халифаси ва ошиғи сифатида ҳаракат қилишни талаб этади;

9. Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг фалсафий ва эстетик тафаккури Форобий, Ғаззолий тимсолида пантеистик дунёқарашнинг асосий оқимида аниқ хулосани топди. Уларнинг асарларидаги илгари тарқоқ ҳолда бўлган фалсафий ғоялар ва қоидалар борлиқ, инсон ва билиш жараёнларининг моҳиятини содда материалистик талқин қилиш нуқтаи назаридан фалсафий

тизимга айланди. Форобий ва Ғаззолийнинг оламни билишда ва гўзалликни идрок этишда инсон эркинлиги ва иродасига асосланган эстетик ғоялари воқеликка эстетик муносабатнинг анъанавий категориялари орқали ўша даврда ўзаро боғлиқликни тушунишга қаратилган эди.

10. Санъатимизда XX асрнинг 70–80-йиллари ичида кекса рассомлар қатори А.Мирзаев, Ш.Абдурашидов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, С.Алибеков, М.Тўхтаев, В.Бурмакин, Ч.Мельников, Акмал Нур каби мусаввирлар тасвирий-услубий оҳангларни ўзгача овозда ижро эта бошладилар. Ёш ижодкорлар гарчи ташқи таъсир ва таъқибни кутсалар-да, асарлари миллий ҳаёт нафаси ва жаҳон санъатидаги ўзгаришларга мос ва хос белгилари билан маданиятимиз доирасини анча кенгайтиришига муваффақ бўлган эдилар. Таниқли рассомларнинг эътиборини кўпроқ тарихий ва замонавий мавзулар тортган бўлса, ёшларни тасвирдаги кенглик, Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи бадиий-эстетик тасвир йўллари қизиқтирган.

Олиб борилган тадқиқот хулосалари асосида қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Шарқ романтизмининг эстетик хусусиятлари»га асосланган хрестоматия чоп этиш;

2. Олий ўқув юртларининг Ижтимоий фанлар факультети магистратура босқичида «Шарқ романтизм эстетикаси» номли махсус курслар ташкил этиш;

3. «Ўзбекистон тарихи» телеканали билан ҳамкорликда Шарқ романтизм эстетикаси тарихига доир туркум кўрсатувлар тайёрлаш;

4. Музей педагогикаси рукни асосида музей кўргазма залларида Шарқ романтизми мавзуси юзасидан доимий алоҳида экспонатлар туркуми ташкил этиш;

5. Мамлакатимизда ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида китобхонлик соҳасидаги ишларни амалга ошириш;

6. Шарқ ва Ғарб романтизм эстетикасини ривожланишида ҳисса қўшган буюк алломаларнинг маънавий меросини дунё миқёсида ўрганилишига оид манбалар каталогини яратиш мақсадга мувофиқдир.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ф.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ ШАРАФА РАШИДОВА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

УРОКОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

ЭСТЕТИКА ВОСТОЧНОГО РОМАНТИЗМА:ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ИЕРАРХИИ ЭВОЛЮЦИОННОГО АНАЛИЗА И СОВРЕМЕННЫХ ПОДХОДОВ

09.00.02 – Философия форм сознания, культуры и практики (Эстетика)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философских наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.3DSc/Fa167.

Диссертация выполнена в Национальном университет Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) и размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Махмудова Гули Тилабовна**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Самадов Актамкул Рафикович**
доктор философских наук (DSc), доцент

Акилова Камола Балтабоевна
доктор искусствоведческих наук, профессор

Каххорова Матлюба Манофовна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «15» ноября 2022 года в 10^{00} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ф.02.02 при при Самаркандском государственном университете имени Шарафа Рашидова. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетская аллея, дом 15, Тел. (0366) 239-13-87; факс: (8366) 239-11-40; e- mail: rektor@samdu.uz). Самаркандский государственный университет имени Шарафа Рашидова, Исторический факультет, 1-й этаж, комната 105).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарафа Рашидова (зарегистрирована за № 97). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетская аллея, дом 15. Тел (0366) 239-13-87; факс: (8366) 239-11- 40).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____2022 года).

Ш.Ш.Негматова
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), профессор;

Х.А.Джуракулов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент;

А.Р.Самадов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI в мире кризис бытия человека, полная загадок жизнь которого, проблемы философии жизни, акцентирование внимания на такие признаки, как любовь, жизнь, прекрасное, величественное и низменное, удовлетворение и жульничество, корысть и гнев, проявляются в качестве вечной философской ценности. Аксиологическая сущность романтизма в животворящем художественно-эстетическом аспекте отражает протекающие, происходящие в жизни и в духе, душе человека изменения в виде цепи жизненных событий. Важное практическое значение приобретает то, что она в качестве методологической идеи и направления является методом выражения, служащим социально-культурному развитию различных народов и совершенствованию их художественных традиций.

Во всем мире метод развития эстетики и эстетические принципы исследуются в качестве сложных явлений. В частности, сферу эстетических исследований составляют не только созидатель, художественное произведение и респиент, процесс творчества, но и эстетические потребности общества, определяющие характерные тенденции и закономерности развития художественной культуры. Этот процесс характеризуется интенсивным поиском средств выражения, новых современных методов художественного обобщения и расширением художественного познания мира. В настоящее время в мировом масштабе приобретает необходимость научно-теоретическое исследование того, как художественно-экспрессивные средства эстетического осознания мира, подробно романтике, в одно и то же время, служат другим методам.

В последние годы в нашей стране возвеличивание ценности человека превратилось в приоритетное направление осуществляемых реформ. Поставлены такие задачи, как «глубокое изучение и широкая пропаганда среди населения богатого научного наследия наших великих предков, совершенствование направлений изобразительного, прикладного искусства и дизайна, художественно-эстетического вкуса населения, развитие отраслей культуры и искусства, национальной кинематографии»[1]. В условиях духовного и социально-экономического обновления в этом направлении важное значение приобретает осуществление исследований, относящихся к дальнейшему развитию духовно-эстетической культуры, опирающейся на общечеловеческие и национальные ценности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указах и Постановления Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы», УП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», УП-6000 от 26 мая 2020 года

[1] «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 йил 28 январь, ПФ–60-сон. (Lex.uz).

«О мерах по дальнейшему повышению роли и значения сферы культуры и искусства в жизни общества», ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», ПП-4688 от 21 апреля 2020 года «О мерах по дальнейшему повышению эффективности сферы изобразительного и прикладного искусства» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическим, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути ее реализации».

Обзор зарубежной научно-исследовательской литературы по теме диссертации[1]. Исследования, относящиеся к определению методологии романтизма и факторов его проявления в искусстве, в частности, проявления романтизма в развитии эстетической мысли Востока осуществляются в таких высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских центрах, как Leiden University Centre for the Study of Islam and Society (Нидерланды), The Aesthetics Research Centre at the University of Kent (Великобритания); The Center for Scientific Studies in the Arts at the Northwestern University (Чикаго, США); Aesthetic Research Centre of Canada, The University of British Columbia (Ванкувер, Канада); The Modern Aesthetic Education Research Center (Пекин, Китай) Comenius University Bratislava (Братислава, Словакия); Кубанский государственный университет, Казанский государственный университет (Россия).

В последние годы получены следующие результаты, относящиеся к проблеме определения проявлений специфических аспектов романтизма и специфических особенностей романтизма в истории развития эстетической мысли и искусстве: обоснованы пути эволюционного развития визуальной культуры, начиная от некоторых жанров комиксов, посвященных супергероям, до модернистского рисунка (Leiden University Centre for the Study of Islam and Society, (Нидерланды); разработаны научно-методические материалы по формам изобразительного искусства, в том числе представлений и изображений в виде рисунка, фотографии и кино; пересечений между нравственностью и эстетикой, красоты, вкуса и величественности; связи между искусством и наукой (The Aesthetics Research Centre at the University of Kent, Великобритания); созданы научные основы определения истинной ценности произведений искусства в Соединенных Штатах и зарубежом посредством научного объяснения выпуклого

[1]Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе https://www-universiteitleiden-nl; http://aesthetics-research.org; https://scienceforart.northwestern.edu; https://www.grad.ubc.ca; http://www.as.ad.tsinghua.edu.cn/en/platform/modern-aesthetic-education-research-center-tasa; https://fphil.uniba.sk/en/; https://www.kubsu.ru; https://kpfu.ru/ и других источников.

изображения героев на поверхности произведений изобразительного искусства с помощью компьютерной визуализации и, таким образом, расширения масштабов их защиты (The Center for Scientific Studies in the Arts at the Northwestern University, США); усовершенствованы навыки применения различных критических методов и теорий по определению эстетических и исторических аспектов произведений, имеющих отношение к романтизму, изображенному в литературе, кино, культуре и средствах массовой информации (The University of British Columbia, Канада); разработаны основы создания инновационной модели развития многогранной системы качественного образования, эстетического воспитания в целях национального роста посредством внедрения в национальное образование концепции стремления к социальному совершенству, разработанной в эстетике Востока (The Modern Aesthetic Education Research Center, Китай); созданы научно-методические материалы, направленные на совершенствование навыков самостоятельной творческой интерпретации молодежью артефактов и явлений, отраженных в художественных произведениях или в области «нехудожественной эстетики», а также развитие у обучающихся эстетических способностей и вкуса (Comenius University Bratislava, Словакия); созданы образовательные программы, посвященные возникновению и формированию романтической живописи в странах Западной Европы, Росии в XVIII–XIX веках, специфическим особенностям эволюции данного направления в системе жанров изобразительного искусства, а также усовершенствовано их содержание (Кубанский государственный университет, Россия); разработаны психологическо-педагогические основы анализа особенностей и проблем западного искусства XX-XXI веков, раскрытия отношения между образом жизни, стилем мышления, методом художественного и фантастического восприятия мира (Казанский государственный университет, Россия).

Во всем мире осуществляются исследования проявления своеобразных сторон романтизма и романтизма в истории развития эстетической мысли и искусстве Востока, в том числе в таких приоритетных направлениях, как раскрытие особенностей и генезиса романтизма; исследования философско-эстетических основ восточного романтизма; раскрытие общих аспектов романтизма посредством искусства, религии и исламского суфизма; эпическо-лирического восприятия структуры художественного обобщения в искусстве восточного романтизма; своеобразие личности человека, гармонии человека с природой; обоснование философии человеческой души посредством идеализации отражаемых мотивов.

Степень изученности проблемы. Большинство ученых разделяет мнение о том, что романтизм в качестве художественного метода сформировался в XVIII – начале XIX веков. Понятие «романтизм» было широко использовано в конце XVIII – начале XIX веков немецкими

литературоведами братьями Шлегель[1] (А.Шлегель, Ф.Шлегель), Генрих Гейне связывал проблему романтизма с задачей современного искусства. Один из представителей немецкого романтизма - Новалис расширил возможности романтической эстетики. Ф.Шлегелем рассмотрен индивидуализм и свобода творчества, Г.Гейне - универсализм, Новалисом – вдохновение от природы и отказ от современной действительности, Шеллинг показал целостность безграничности, сознательности и неосознанности. Несмотря на различие в мнениях этих ученых, в дальнейшем они оказали большое влияние на английский и французский романтизм, в том числе на эстетическое развитие Европы.

Основу методологии английского романтизма заложили Блейк, Вордсворт, Кольридж, Байрон, Шелли, В.Скотт и другие.

И.И. Замотиным рассмотрены исследования романтизма в русской литературе в двадцатых годах XIX века, Де Ла-Барт и А.Климентов, исследовавшие французскую романтическую поэзию, уделили внимание важным особенностям романтизма, проявившегося в той или иной форме в немецком, английском, французском и русском искусстве в начале XIX века.

В частности, такими русскими учеными, как В.В.Бартольд, В.Г.Белинский, Е.Э.Бертельс, А.Н.Болдирев, В.Ванслов, И.Ф.Волков, А. А. Гаджиев, С. Н. Григорян, М. Дьяконов, К. Г. Залеман, А. Кримский, В. Г. Луконин, Л. Тимофеев, В. Чепелев ва А. Ю. Якубовский[2], романтизм и реализм исследованы в качестве видов художественного творчества, осуществлен сравнительный анализ их проблем.

